

ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ

УЙК: 338.22.01(575.2)

МИЛЛИЙ ИННОВАЦИОН ТИЗИМНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ИНВЕСТИЦИЯ ВА ИННОВАЦИЯЛАРНИНГ ЎРНИ

Шадиева Гулнора Мардиевна,
иқтисодиёт фанлари доктори,
«Иқтисодиёт» кафедраси профессори;

Шакирова Фарогат Болтаевна,
иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD),
«Иқтисодиёт» кафедраси доценти

Тошкент давлат транспорт университети

Аннотация. Мазкур мақолада инвестиция ва инновациялар иқтисодий категория сифатида турли иқтисодчи олимлар фикри асосида атрофлича ўрганилган ва таҳлил қилинган. Изланишлар натижасида инновацияга муаллифлик таърифи ишилаб чиқилган. Инновацион ривожланишини таъминлашда уларнинг ўзаро алоқадорлиги назарий жиҳатдан ёритилган ҳамда иқтисодий ўсишга эришишдаги аҳамияти очиб берилган. Инновацион иқтисодиётнинг тавсифий қўрсаткичлари ҳамда хукуқий, ташкилий ва моддий асосларининг Ўзбекистон иқтисодиётига нисбатан таҳлили мамлакатда инновацион тизимни яратишда унинг моддий-техник базаси катта аҳамиятга эга эканлиги асосланган. Шунингдек, инновацион ривожланишини таъминлаш юзасидан хуроса ва таклифлар шакллантирилган.

Таянч тушунчалар: инвестиция, инновация, инновацион харажатлар, инновацион иқтисодий ўсиш самарадорлиги, миллий инновация тизими, технопарк, венчур, эркин иқтисодий зоналар.

РОЛЬ ИНВЕСТИЦИЙ И ИННОВАЦИЙ В РАЗВИТИИ НАЦИОНАЛЬНОЙ ИННОВАЦИОННОЙ СИСТЕМЫ

Шадиева Гулнора Мардиевна,
доктор экономических наук,
профессор кафедры «Экономика»;

Шакирова Фарогат Болтаевна,
доктор философии по экономическим наукам (PhD),
доцент кафедры «Экономика»

Ташкентский государственный транспортный университет

Аннотация. В данной статье инвестиции и инновации исследуются и анализируются как экономическая категория с учетом взглядов различных экономистов. В результате исследования было сформировано авторское определение инновациям. Теоретически выделены их взаимосвязи в обеспечении инновационного развития, раскрыта их роль в достижении экономического роста. Описательные индикаторы инновационной экономики и сравнительный анализ их правовых, организационных и материальных аспектов в экономике Узбекистана основаны на важности материально-технических факторов в создании инновационной системы в стране. Также даны выводы и рекомендации по обеспечению инновационного развития.

Ключевые слова: инвестиции, инновации, затраты на инновации, инновационный экономический рост, национальная инновационная система, технопарк, венчурное предприятие, свободные экономические зоны.

THE ROLE OF INVESTMENT AND INNOVATION IN THE DEVELOPMENT OF THE NATIONAL INNOVATION SYSTEM

Shadieva Gulgora Mardievna,
Doctor of Economics,
Professor of the Department of Economics;

Shakirova Farogat Boltaevna,
PhD, Associate Professor of the Department of Economics

Tashkent State Transport University

Annotation. *The article examines and analyzes investment and innovation as an economic category, taking into account the views of various economists. The author develops her own definition of innovation based on the results of the research. Its importance in ensuring innovative development is theoretically highlighted, as well as its role in achieving economic growth has been revealed. According to the research, descriptive indicators of an innovative economy and their comparative analysis of the legal, organizational and material aspects of the economy of Uzbekistan are based on the importance of its material and technical aspects in creating an innovation system in the country. Relevant conclusions and recommendations for ensuring innovative development were proposed.*

Keywords: *investment, innovation, innovation costs, innovative economic growth, national innovation system, technopark, venture, free economic zones.*

Кириш

Мамлакатимизда давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини тубдан янгилашга қаратилган инновацион ривожланиш йўлига ўтиш белгилаб олинди. Инновацион ғоялар, юқори технологияларни ишлаб чиқариш ва жамият ҳаётига изчил татбиқ этиш замонавий билим ҳамда мукаммал малакага эга мутахассислар тайёрлаш, шунингдек, миллий таълим тизимида кенг кўламли ва чуқур ислоҳотларни амалга оширишни талаб этади. Зоро, «Биз фақат инвестицияларни фаол жалб қилиш, янги ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш ҳисобидан иқтисодиётимизни жадал ривожлантиришга эришамиз» [1].

Иқтисодий категория сифатида инвестициялар, биринчидан, аввалдан жамғарилган маблағларни капитални қўпайтириш мақсадида тадбиркорлик обьектларига жойлаштиришни билдирса, иккинчидан, инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш жараёнида инвестиция фаолияти иштирокчилари ўртасида вужудга келадиган иқтисодий муносабат-

ларни ифодалайди. Жамғарилган маблағлар реал иқтисодиётга инвестиция сифатида тўғридан-тўғри етиб бормасдан молиявий воситачилар орқали кириб келиши мумкин. Бундай ҳолларда инвестициялар дастлаб молиявий инвестициялар кўринишида майдонга чиқади ва сўнгра реал инвестицияларга айланади.

Хусусан, Нобель мукофотининг иқтисодиёт бўйича лауреати У.Ф. Шарпнинг энг оммабоп ҳисобланган «Инвестиция» дарслигига «Инвестициялар келгусида (эҳтимол, номуайян) қийматлик олиш мақсадида ҳозирги вақтда муайян қийматлиқдан воз кечишидир», деб таърифланади. Олим «инвестициялаш» атамаси маъносини қўйидагича шарҳлайди: «Келажакда фойда олиш учун бугун пулдан ажralишdir» ва «ё реал ёки молиявий активларга инвестициялаш мумкин» [2].

Швед иқтисодчи олими Клас Эклундинг фикрича, «Инвестиция бу – келажакда кўпроқ истеъмол қилиш шароитига эга бўлиш учун эртанги кунга қолдирилган нарса. Унинг бир қисми ҳозирда ишлатилмасдан захирага қолдириладиган истеъмол буюмлари бўлиб, бош-

ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ

қа қисми ишлаб чиқаришни кенгайтиришга йўналтирилган ресурслардир» [3]. Бу кўпроқ «капитал қўйилмалар»га берилган таърифга ўхшайди.

Иқтисодий фанда «инновация»нинг моҳиятини илк бор австриялик олим Й. Шумпетер қўйидагича таърифлайди: «Инновация – мавжуд жараёнга янгича қараш ва ёндашув бўлиб, замонавий кашфиёт, ишланма ёки инсоният фаолияти билан боғлиқ бўлган янги ишлаб чиқаришни муайян жараёнга қўллашдир». Олимнинг фикрича, иқтисодий фаолиятга айнан инновацион ёндашув ҳар бир давр иқтисодий тизимининг ривожланиш даражасини белгилаб беради. Унинг назариясида тадбиркорлик ишлаб чиқаришнинг тўртинчи омили сифатида қаралади. Шунингдек, тадбиркорларнинг вазифаси янги товарлар ёки эски товарларни янги услубда ишлаб чиқариш учун ихтиrolардан фойдаланиб, янги хомашё ва материаллар манбалари ёки янги бозорлар очиб, ишлаб чиқаришни ислоҳ қилиш ва такомиллаштиришдан иборат. Олим инновациялар тадбиркорлар туфайли иқтисодиётда инқилобий ўзгаришларни содир этишини башорат қилган [4].

Америкалик иқтисодчи олим С. Кузнец 1980 йилларда «даврга оид инновациялар» тушунчасини иқтисодий фанга киритди. Унинг таълимотига кўра, иқтисодиёт ривожланишининг муайян даврида барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш ва унинг даражасини ошириш асосини даврга оид инновацияларни жорий этиш ташкил қиласди. Унинг манбай сифатида эса илм-фан эканлигини кўрсатган эди [5]. С. Кузнец муайян даврга оид инновацияларнинг жорий этилиши ижобий самара бериши билан бирга унинг салбий таъсири бўлиши мумкинлигини ҳам таъкидлаб ўтади. Шу сабабли ижтимоий-иктисодий муносабатларда инновацияларни ривожлантириш ва унинг ишлаб чиқаришга жорий этилишида давлатнинг иштироки муҳим

хисобланади. Илмий-техникавий инновацияларнинг иқтисодиётга мунтазам жорий этилиши барқарор иқтисодий ўсишнинг муҳим омили бўлиши билан бирга, жамиятда ишсизлик, танглик, янги авлод мутахассисларини шакллантириш каби муаммоларни келтириб чиқаради. Олим инновациялар назариясига оид Й. Шумпетер ғояларини янги ёндашувлар билан бойитди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, «Инновация – инсоннинг ақл-заковати, ишлаб чиқариш тажрибаси негизида яратилган, ишлаб чиқаришга татбиқ этилган, айни вақтда иқтисодий-ижтимоий самара келтираётган интеллектуал мулк кўринишидаги янгиликлар, ихтиrolар, кашфиётлар, ғоялар ва янгича ёндашувлар мажмуасидир» [6], деган муаллифлик таърифи шакллантирилди. Агар инновацион ғоя яратилиб, ишлаб чиқаришга татбиқ этилмаса ва ўзининг иқтисодий нафлилигини исботламаса, инновация хисобланмайди. Яратилган инновациялар тижоратлаштирилиб, амалиётта татбиқ этилиб, иқтисодий-ижтимоий самара бергандагина уларни инновациялар деб ҳисоблаш мумкин.

Ушбу таъриф мазмунига кўра, инновациялар ғоялар, ишланма ва кашфиётлардан иборат бўлмай, балки инновациялар таркибига умум тараққиётга хизмат қилувчи ишлаб чиқаришни ташкил этиш, бошқариш ва мулк объектларини самарали амалга оширишга оид ташкилий-бошқарув тавсифидаги мутлақо янгича инновацион ёндашув ва тамойилларни ўзида мужассам этади.

Республикамизда иқтисодий ўсишнинг инновацион моделига ўтиш ва миллий иқтисодиётни барқарор суръатларда ривожлантиришнинг барча омиллари, яъни замонавий ўқув ва илмий тадқиқот муассасалари, ташкилотлар, лойиҳа-конструкторлик бюrolари, юқори интеллектуал, арzon ишчи кучи ва тегишли минерал хомашё базалари мавжуд. Инновацион тизимнинг муҳим унсурларидан бири унинг ташкилий

ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ

асослари ҳисобланади. Ўзбекистонда инсон капиталининг сифати даражаси юқори, жисмоний тайёргарлиги тезкор малакавий ихтисослашув хусусиятига эга. Республикада фан ва таълимни ривожлантириш инфратузилмаси, замонавий кадрлар тайёрлаш, лойиҳа-конструкторлик меҳнатини ташкил этиш усуллари, шакллари ва уларнинг хавфсизлигини таъминлаш масалалари ижобий ҳал этилган. Ушбу соҳада иккита долзарб масала мавжуд: биринчиси, ишлаб чиқариш билан инновацион тизим ўртасида, яъни инновацияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишнинг самарали механизми мавжуд эмас; иккинчиси, Ўзбекистондаги арzon ва сифатли ишчи кучидан унумли фойдаланиш борасида муайян камчиликлар мавжуд.

Миллий инновацион тизим субъектларини давлат томонидан самарали рафбатлантириш тизимининг ишлаб чиқилмаганлиги, иқтисодий ўсишни таъминлашнинг давлат механизми деталлари ҳисобланган солиқقا тортиш, бож-тариф ҳамда молия-кредитдан самарали ва етарлича фойдаланмаслик долзарб илмий муаммолардан саналади.

Иқтисодий ўсишнинг экстенсив ва интенсив турлари, уларнинг иқтисодий ўсишдаги улушлари тўғрисида қатор илмий тадқиқотлар олиб борилган бўлсада, мамлакатимизда айнан инновацион ривожланишнинг иқтисодий ўсишдаги улушкини аниқлашнинг илмий-назарий жиҳатлари чуқур ўрганилмаган.

Маълумки, жорий молия йили ўтган молия йилида ишлаб чиқарилган ЯИМ ҳажмига қўшимча ишлаб чиқарилган товар ва хизматларнинг бозор баҳоси ЯИМ мутлақ ўсишидир. Ушбу ўсиш ЯИМнинг

$$\text{Инновацион иқтисодий} = \frac{\text{Ўсиш самарадорлиги}}{\text{Д инновацион харажатлар}}$$

Ушбу формула инновацион фаолият учун қилинган харажатлар ҳисобига олинган ЯИМ ўсишини ифодалайди.

мутлақ кўпайишидир, бироқ у самарали иқтисодий ўсишни англатмайди.

Нисбий иқтисодий ўсиш иқтисодий ўсиш барқарорлигини ифодалаб, у қандай фаолият ёки қандай ресурс харажати ҳисобига ЯИМнинг ўсишига эришилганлигини билдиради. Бундай ресурс харажатлари таркибига инновацион фаолият ва инновацион ресурслар сарфи ҳам киради.

Инновацион харажатлар самарадорлиги ва унинг даражасини билиш учун иқтисодий самарадорликни аниқлашнинг умум методологик, назарий асосларидан фойдаланамиз. Яъни инновацион фаолият «натижа»сининг ушбу фаолият учун қилинган «харажатлар»га нисбати орқали аниқланади.

ЯИМнинг кўпайган қисми (Δ ЯИМ) бу ҳисбот йилида ишлаб чиқарилган (ЯИМ_2) ЯИМ ҳажми билан базавий йилда ишлаб чиқарилган (ЯИМ_1) ЯИМ ҳажми ўртасидаги фарқ. Яъни:

$$\Delta\text{ЯИМ} = \text{ЯИМ}_2 - \text{ЯИМ}_1$$

ЯИМнинг мутлақ кўпайиши, албатта, ишлаб чиқаришга қилинган харажатларнинг ҳам кўпайиши ва ортиши (ΔW) ҳисобига эришилади. Харажатларнинг ортиши (ΔW) жорий ҳисбот йилида ЯИМ ишлаб чиқариш учун қилинган харажат ҳажми билан базавий йилда ЯИМ ишлаб чиқариш учун қилинган харажат ҳажми ўртасидаги фарқ. Яъни:

$$\Delta W = \Delta W_2 - \Delta W_1$$

Шу нуқтаи назардан ёндашганда, инновацион фаолият самарадорлиги Δ ЯИМнинг Динновацион харажатларга нисбатида, унинг даражаси эса фоиздаги ифодаси сифатида аниқланади. Яъни:

$$\Delta \text{ЯИМ}$$

$$= \frac{\text{Д инновацион харажатлар}}{\text{Динновацион харажатлар}}$$

Агар шу нисбат аксинча нисбатда ифодаланса, инновацион иқтисодий ўсиш самарадорлигини аниқ баҳолайди. Яъни:

ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ

Инновацион иқтисодий ўсиш = самарадорлигини баҳолаш

Ушбу баҳолаш инновацион харажат бирлигига олинган ЯИМ ўсишини ифодалайди.

Инновацион иқтисодий ўсиш самарадорлигини ошириш ялпи ички маҳсулотнинг мутлақ ортишигагина боғлиқ

Д инновацион харажатлар Δ ЯИМ

бўлмай, инвестицияларнинг инновацион фаолиятни жонлантиришга йўналтирилиши асосида инновацион ривожланишга эришиш ва улар негизида барқарор иқтисодий ўсиш таъминланади.



1-расм. Инновацион ривожланишнинг барқарор иқтисодий ўсиш билан боғлиқлик даражаси

Манба: Муаллиф томонидан тузилган.

1-расмдан қўринадики, инновациялар яратишининг бошланғич ҳалқаси инвестициялар, жумладан, хорижий инвестицияларни иқтисодиётнинг етакчи ва истиқболли тармоқ ҳамда соҳаларига жалб қилиш ҳисобланади. Жаҳон амалиётининг кўрсатишича, пухта ўйланган инвестициялар сиёсати ва инвестицион фаоллиksiz инновацион иқтисодиётга ўтиб бўлмайди. Инновацион ривожланишнинг барқарор иқтисодий ўсиш билан боғлиқлигининг мантиқий формуласини **Инв.** → **Инн.** → **Иқ.ўсиш** кўринишида ифодалаш мумкин.

Бу ерда **Инв.** – инвестициялар, **Инн.** – инновациялар, **Иқ.ўсиш.** – иқтисодий ўсишни англатади.

Инновацион иқтисодиётнинг тавсифий кўрсаткичлари ва унинг хукуқий, ташкилий моддий асосларининг Ўзбекистон иқтисодиётига нисбатан таҳлили мамлакатда инновацион тизимни яратища унинг моддий-техник базаси катта аҳамиятга эга. Куйидаги расмда инновацион тизим асослари берилган (2-расм).

ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ



2-расм. Инновацион тизим асослари

Манба: Муаллиф томонидан ишланган.

Юқоридаги расмда инновацион ривожланишни таъминлашнинг миллий тизими берилган бўлиб, унда инвестициялар ва инновацияларнинг иқтисодиётга жалб қилинишида таълим ва ишлаб чиқариш интеграцияси муҳим эканлиги кўрсатилган. Масалан, эркин иқтисодий зоналарда инновацион лойиҳалар учун инвестициялар сарф этилса, технологик паркларда инновациялар, асосан, венчурли молиялаштириш орқали жалб этилади.

Миллий инновация тизими – давлат, хусусий сектор ва жамоат ташкилотларининг янги билим ва технологияларни яратиш, сақлаш ва тарқатиш фаолияти доирасидаги механизmlар ҳамда ўзаро алоқалар мажмуаси [7]. Шу боисдан баъзи мамлакатларда миллий инновация тизимини шакллантириш бўйича турли моделлар мавжуд. АҚШ Стенфорд университети профессори Генри Ицковиц томонидан таклиф қилинган «Уч ёқлама спираль» (*Triple Helix*) модели энг самарали моделлардан ҳисобланади. АҚШ миллий инновация

тизими ушбу модель асосида шакллантирилган бўлиб, бугунги кунда инновацион ривожланиш бўйича етакчи давлатлардан ҳисобланади. Ушбу модель моҳиятига кўра, ҳудудни ривожлантириш ва билимга асосланган иқтисодиётни барпо этишда университет, тадбиркорлар ва давлат ўртасидаги ўзаро алоқаларга аҳамият берилади.

Технологик парк – муайян ҳудудда инновациялар яратиш, тижоратлаштириш мақсадида илмий тадқиқот ташкилотлари, олий ўқув юрти ва корхоналарнинг бирлашган мажмуаси эканлиги атрофлича ёритиб берилган. Бу мажмуанинг таркибий тузилиши – **фанлар, олий ўқув муассасалари, ишлаб чиқариш ва капиталдан иборат бўлиб, улар ўзаро боғланган ягона организм сифатида фаолият юритади**. Технопарклар – энг замонавий, рақобатбардош маҳсулот турини ишлаб чиқишига ихтисослашган маҳсус ҳудуд, марказдир. У ерда тор ихтисослашувга асосланган, юқори илмий-техник, технологияга эга ягона бизнес структу-

ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ

рага кирувчи субъектлар фаолият кўрсатади. Бугунги кунда миллий иқтисодиётда инновациялар туғиладиган технопарклар илмий-техник марказлар, бизнес инкубаторларнинг тизимли равишда ташкил этилмаганлиги ҳозирги кунда ўз ечимини кутаётган долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Венчур бизнеси – инновацион кичик корхона, тажриба-конструкторлик ишланмалар, юқори даражада фойдали бизнес лойиҳаларни амалга ошириш билан шуғулланади. Ички ва ташқи венчурлар фарқланади. Ички венчурлар ғоя муаллифининг тадбиркорлиги орқали ташкил этилади. Ташқи венчурлар – юқори хавф-хатарли лойиҳаларни амалга ошириш учун комбинациялашган, яъни инвестицияларни турли манбалардан жалб этади. Кўп ҳолларда пенсия жамғармаси, суғурта компаниялари маблағларини жалб этиш орқали инновациялар яратилади ва реализация қилинади. Венчур – инглиз тилидаги «venture» сўзидан олинган бўлиб, хатарли, «юқори рискли корхона» маъносини англатади [8].

Мақола ёзиш жарёнида қуйидаги хулосалар шакллантирилди:

– инновацион иқтисодиётга ўтишда талаб этиладиган инфратузилманинг худудлар кесимида номутаносиб ва нотекис ривожланганлиги. Энг самарали ва истиқболли инновацион ишлаб чиқаришнинг марказий шаҳарларда тўпланиб қолганлиги, инвестицияларнинг ҳам шу ерларга жалб этилиши, мамлакатнинг бошқа худудлари, асосан, хомашё ишлаб чиқарувчи ва етказиб берувчиларга айланиб қолганлиги;

– республикада фан-техника тараққиёти соҳасида эришилган, ишлаб чиқарилган илмий натижалар, янгиликлар, ихтиrolар, техника ва технологияларни иқтисодий амалиётга татбиқ этишининг самарали механизми ҳанузгача яратилмаганлиги;

– миллий иқтисодиётга жалб этилаётган инвестициялар, шу жумладан, тўғ-

ридан-тўғри киритилаётган хорижий инвестицияларнинг моддий ишлаб чиқариш секторига нисбатан аҳамият жиҳатидан иккинчи даражали соҳаларга кўпроқ йўналтирилиши. Инновацион лойиҳаларни молиялаштиришга кам маблағ ажратилиши, моддий, илмий-техникикавий базанинг заифлиги ва ишлаб чиқариш қувватларининг етишмаслиги.

Хулоса

Инвестициялар ва инновацияларнинг юқоридаги назарий фикрлар ҳамда таҳлиллар орқали ўзаро алоқадорлигини кўришимиз мумкин. Шундан келиб чиқиб, қуйидаги таклифларни келтириш мумкин:

1. Ўзбекистонда инновацион ривожланишга ўтиш бўйича амалга оширилган ишлар ва қабул қилинган чора-тадбирлар кўзга кўринарли бўлса-да, талаб даражасидан бирмунча паст. Инновацион иқтисодиётни ривожлантиришнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучи тадбиркорлик фаолияти ҳисобланади. Тадбиркорларни инновацион фаолиятга ўтказиш, инновацияларни иқтисодиётга жорий этиш мақсадида инвестицияларни йўналтириш, қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришнинг ягона тизими ишлаб чиқилмаган. Миллий иқтисодиётнинг инновацион ривожланиш асосларини янада такомиллаштириш, «Инновациялар тўғрисида» қонун қабул қилиш, иқтисодиётнинг яқин ва узоқ истиқболга мўлжалланган, барқарор ўсишини таъминловчи стратегия, дастурлар ҳамда прогноз параметрларини ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш зарур.

2. Жаҳон иқтисодиётининг ҳаракатлантирувчи кучи, ривожланишини таъминлайдиган муҳим омиллардан бири фан-техника тараққиёти бўлиб, унинг намоён бўлиш шакли инновация ва илғор технологиялар, бошқарув ҳамда социал соҳадаги инновацион фаолият ҳисобланади. Демоқчимизки, давлат-хусусий ҳамкорлигини йўлга қўйиб, инвестицияларнинг мақсадли жалб этилиши мақсадга мувофиқ.

ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ

3. Фан ва ишлаб чиқариш ўртасидағи алоқаны тиклаш ҳамда ўзаро боғлиқ-лигини таъминлаш лозим. Халқаро ва минтақа илмий техникавий ҳамкорлигиги ривожлантириш зарур. Бунда миллий иқтисодиётда илмий ишланмаларга бўлган ички эҳтиёжнинг камлигини ҳисобга олиш керак. Ўз навбатида, бундай ҳолат илмий ишланмаларнинг иқтисодий манфаатдорлигини камайтиради ва ушбу йўналиш ривожланишига салбий таъсир кўрсатади. Шу нуқтаи назардан, илмий тадқиқот институти ва марказларининг халқаро ҳамкорлик алоқаларини янада чуқурлаштириш лозим.

4. Давлат томонидан иқтисодиётни тартибга солишнинг солиқ, бож-тариф, молия-кредит тизимини инновацион ривожланиш модели талаблари ва ривожланиш суръатларига зудлик билан мослаштириш керак.

5. Инновацион маҳсулот ишлаб чиқариш субъектларига хорижий инвесторлар, миллий товар ишлаб чиқарувчилар, тадбиркорлар ва давлат ташкилотлари солиққа тортиш, бож-тариф сиёсатини қўллаш, кредитлашда алоҳида рағбатлантирувчи ёндашув тизимини ишлаб чиқиш даркор.

6. Нодавлат, нотижорат ташкилотлар ва тадбиркорлар қатламини инновацион маҳсулотларни кенг қамровли ишлаб чиқариш ҳамда тижоратлаштиришга жалб этиш учун давлат томонидан зарур шароитларнинг яратилиши барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашнинг бозор механизми ва дастаклари фаоллашуви, самарали амал қилиши, пировардида, иқтисодий ўсишни жадаллаштиришга ижобий таъсир кўрсатади.

Манба ва адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси // Халқ сўзи. – 2020. – 25 январь. – 19-сон.
2. Шарп У., Александр Г., Бейли Дж. Инвестиции: Пер.с анг. – М.: ИНФРА, 2000. – 979 б.
3. Эклунд К. Эффективная экономика: шведская модель. – М.: Экономика, 1991. – 96 б.
4. Шумпетер Й.А. Теория экономического развития. – М.: Прогресс, 1983. – С. 278-285.
5. Кузнецов С. Современный экономический рост: результаты исследований и размышлений. Нобелевская лекция // Нобелевские лауреаты по экономике: взгляд из России / Под ред. Ю.В. Яковца. – СПб.: Гуманистика, 2003. – С. 105.
6. Innovatsion iqtisodiyot. Darslik / D.V. Rasulova, X.C. Asatullayev, F.B. Shakirova, O.U. Matadiyorov. – Т.: 2019. – 180 б.
7. НТР и мировая политика: Учеб. пособ. / Под ред. А.В. Бирюкова, А.В. Крутских // Моск. гос. ин-т межд. отношений (Ун-т) МИД России. – М.: МГИМО – Университет, 2010. – С. 7.
8. Шакирова Ф.Б. Инновациялар асосида иқтисодий ўсишни таъминлаш механизмини тақомиллаштириш: Монография. – Т.: Complex Print, 2018. –174 б.

Тақризчи: Расулова Д.В., иқтисодиёт фанлари доктори, Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги қошидаги Абу Райхон Беруний номидаги бизнес ва бошқарув республика олий мактаби кафедраси мудири.